# Тошкент оқшоми

2019 ЙИЛ 10 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (14.001)

Баҳоси эркин нархда


## ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилаётган “Olmazor business city” ишбилармонлик маркази қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Туркиянинг “Mesa mesken” компанияси томонидан бунёд этилаётган замонавий ишбилармонлик марказининг умумий қиймати 135 миллион долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, бунинг учун 23,5 гектар ер ажратилган.

Лойиҳа 6 та лотга бўлинган бўлиб, биринчи ва иккинчи лотлар савдо ва кўнгилочар масканларни қамраб олган. Уч, тўрт ва бешинчи лотларда 9, 12, 13, 18 ва 30 қаватли турар жойлар қад ростлайди. Олтинчи лотда 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳамда 500 ўринли мактаб қурилиши кўзда тутилган.

Янги Олмазор кўчаси ва Кичик халқа йўли ўртасидаги ҳудудда қурилаётган ушбу мавзеда 2 минг 100 та хонадонли 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Ушбу турар жойларнинг биринчи қаватида 70 та савдо дўкони жойлашади. Айни пайтда ишбилармонлик марказида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, коммуникация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, яшил ландшафтларнинг жойлашувига эътибор қаратди. Ҳудуднинг 4 гектар қисмида қурилиш ишлари амалга оширилса, 16 гектар майдон кўкаламзорлаштирилади. Қичқириқ канали бўйидаги қарийб 3,5 гектар ҳудудда кўнгилочар масканлар барпо этилади.

Президентимиз хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди. Кенг, баҳаво квартираларда барча қулайликлар муҳайё этилган. Меҳмонхона, ошхона, катталар ва болалар ётоқхоналарининг жойлашуви, замонавий дизайни эътиборни тортади. Турар жой мажмуасининг афзалликларидан яна бири – хонадонлар яшаш учун тайёр ҳолда сотилади.

Уйларнинг ташқи қисмида базальт иситиш қопламасидан фойдаланилмоқда, ҳар бир хонадонга алоҳида иситиш тизими ўрнатилади. Ишбилармонлик марказини 2021 йил охирида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

– Уйлар сонини кўпайтириш, энергияни тежаш орқали турар жойлар нархини арзонлаштириш керак. Бунинг учун қурилиш материаллари, базальт толаси ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириб, ҳар бир ҳудудга етказиб бериш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бунёдкорлик ишларининг бориши, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилаётгани, уйлар ҳам тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилган маиший техника ва мебеллар билан жиҳозланиши таъкидланди.

– Қуриш бу биринчи қадам. Асосийси – малакали эксплуатация. Уйларга, одамларга сифатли хизмат кўрсатиш, муҳандислик ускуналаридан самарали фойдаланиш зарур, – деди давлатимиз раҳбари қурувчи ва мутасаддилар билан суҳбатда.

Шу ерда Олмазор тумани фаоллари билан мулоқот бўлди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, юртимизда рўй бераётган, ўзгаришларни тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Ҳар бир ҳудуд шароитига қараб чекка туманларда ҳам сифатли, арзон ва хавфсиз уйлар барпо этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз ўтган йили 29 июнь куни Олмазор тумани аҳолиси билан мулоқот чоғида Тошкент чинни заводини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўтган қисқа вақтда ушбу ташаббус амалга ошди, замонавий чинни заводи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонани бориб кўрди.

Бир пайтлар Ўзбекистон чиннисининг довруғи бутун жаҳонга танилган. 1952 йилда қурилган Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлган, кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Ёқуб Қорибоевнинг “Оқ олтин” – халқ тилида пахта гулли чинни номи билан машҳур тўплами Лейпциг шаҳрида, рассом Анвар Нўъмоновнинг “Тонг” тўплами Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда олтин медаль билан тақдирланган.

Мустақиллик йилларида Тошкент чинни заводи ғоят ачинарли аҳволга келиб қолганди. Заводга 98 фоиз хом ашё четдан келтирилган. Бу таннархга таъсир этган. Ишлаб чиқариш замон талаблари асосида ташкил этилмагани, бозор ўрганилмагани, асосийси, маҳсулот таннархи қимматлиги боис корхона 2005 йилга келиб фаолиятини бутунлай тўхтатди.

Нафис керамика маҳсулотлари саноат тармоғида ўйламасдан амалга оширилган хусусийлаштиришдан сўнг юзага келган оғир аҳвол боис мамлакатимизга чинни буюмлар асосан четдан келтирилаётган эди.

Ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ва маҳаллий чинни саноатини яна тиклаш мақсадида бундан бир неча йил аввал Термиз туманида “Сурхон Термиз чинни” МЧЖ ташкил этилди. Бу ерда бугунги кунда элликка яқин турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг бир қисми қўшни Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Хом ашё Сурхондарё вилоятидаги Жерданак каолин конидан олинади. У хориждаги каолин хом ашёси билан бемалол рақобатлаша олади.

Тошкент чинни заводи бу борадаги изланишларнинг навбатдагиси бўлди. Аҳамиятлиси, илгариги заводдан фарқли равишда янги корхона 100 фоиз маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Хусусан, гил тупроқли сланец Жерданак конидан, кварц қуми ва дала шпати Самарқанд вилоятидаги Ингичка конидан, доломит Қашқадарё вилоятнинг Деҳқонобод ва Ғузор туманларидаги конлардан келтирилади. Бу маҳсулот таннархи анча арзон бўлади, деганидир.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, завод фаолиятини қайта тиклаш мақсадида “Алоқабанк” томонидан умумий қиймати 87 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Фойдаланилмаётган объект реконструкция қилиниб ҳамда қўшимча бинолар қурилиб, Хитойнинг “Huanggang Huauao Zhongbo Klin Technology Co. Ltd.” компанияси ускуналари ўрнатилди. 300 иш ўрни яратилди.

Шу кунларда ишга тушириладиган корхонада ошхона идишлари, сувенирлар, биноларнинг ички безакларини тайёрлаш йўлга қўйилади. Завод уч ярим йилда ўзини оқлайди. Маҳсулот импорт ўрнини тўлдириб, Россия, Украина, Грузия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари янги корхона цехларини кўздан кечириб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан танишди.

– Бу завод Ўзбекистоннинг фахри, – деди Шавкат Мирзиёев. – Илгари мамлакатимизга меҳмон келса ёки юртдошларимиз чет элга борса, шу завод тўпламларидан совға қилинарди. Энди ушбу янги корхона ундан ҳам чиройли, сифатли ва қадрли маҳсулотлар тайёрлаши керак.

Мутасаддилар билан суҳбатда завод фаолиятини кенгайтириб, кластерга айлантириш, янада кўп хотин-қизлар ва ёшларни ишга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Мамлакатимизда шунча уйлар қуриляпти, одамларнинг ҳаёт сифати ўзгаряпти, – деди Президент. – Янги уйга кўчган ҳар бир оила албатта чинни буюмлар сотиб олади. Юбилейлар, фестивалларга бағишланган, совға учун тўпламлар ҳам чиқариш мумкин. Бунинг учун дизайн устида ишлаш, бозор талабини ўрганиб, олимлар ва технологлар билан ҳамкорликда замонавий маҳсулотлар тайёрлаш, янги брендлар яратиш керак. Масалан, миллий нақшларимиз, сўзаналаримиз бу борада катта манба бўла олади.

Давлатимиз раҳбари корхона ҳузурида ташкил этилган чинни буюмлар музейини кўздан кечирди. Заводда ишлаган меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган саноат ва инвестиция лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди. Президент экспортни ривожлантириш, ташқи савдо амалиётларини енгиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳри учун замонавий мультимодал логистика маркази ташкил этиш таклифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик марказининг қуриб битказилган илк объектлари – Конгресс холл ва “Hilton” меҳмонхонасини бориб кўрди.

“Tashkent City” бизнес марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, ресторанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий шаҳарча бўлади.

Президентимиз жорий йил 14 март куни “Tashkent City”да амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишган ва Конгресс холлнинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши, жиҳозланиши, меҳмонлар учун қулай шароит яратилиши, халқаро саммитлар чоғида кўплаб делегациялар қатнашишини инобатга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг имкониятлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ушбу кўрсатмалар асосида “Tashkent City” ҳудудидаги қурилиш ишлари 7 лотга бўлинган ҳолда амалга оширилмоқда. Конгресс холл ва “Hilton” меҳмонхонаси бешинчи лотда барпо этилган.

Конгресс холл биноси давлатлараро музокаралар ва учрашувлар ўтказишга мўлжалланган. Бинонинг умумий майдони 43 минг квадрат метр. Биринчи қаватда 3,5 минг нафар иштирокчига мўлжалланган катта конференциялар зали, хорижий давлатлар раҳбарлари алоҳида ишлаши учун хоналар, музокаралар учун заллар, ресторан, кичик концерт зали, учрашувлар ва дам олиш хоналари мавжуд. Иккинчи қаватда қўшимча мажлислар хоналари жойлашган. Биринчи қават замонавий дизайнда, иккинчи қават эса классик услубда қурилган. Йўлаклар юртимиз рассомларининг энг сара асарлари билан безатилган. Яна бир эътиборли томони йўлакларда Тошкентнинг 12 қадимий дарвозаси калити ўзига хос дизайнда қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Конгресс холлнинг ҳар бир хона ва залларини кириб кўрди.

Беш юлдузли “Hilton” меҳмонхонасининг умумий майдони 51 минг квадрат метр. 21 қаватли ушбу иншотнинг баландлиги 85,5 метр. 258 та номер мавжуд. Пардозлаш ва жиҳозлашда замонавий дизайн ва ёрқин ранглар кенг қўлланилгани кишига хуш ёқади. Барча замонавий меҳмонхоналарда бўлгани каби бу ерда ҳам бир нечта ресторан, бассейн, спорт зал, спа ва бошқа салонлар бор. Хизматлар тури кўп, сифати юқори даражада.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратилган шароитлар билан танишди, ҳудуд марказидаги хиёбонни кўздан кечирди.

“Tashkent City”да қурилиш ишлари давом этмоқда. Бу ерда 8, 9, 20, 21, 26, 28, 30, 33, 51 қаватли турар жойлар, меҳмонхона бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, минглаб машиналар учун мўлжалланган ер ости автомобиль турар жойлари, болалар боғчаси ва соғломлаштириш маркази барпо этилади.

Нафақат Ўзбекистонда, балки, Марказий Осиёда янги, замонавий қурилиш технологиялари асосида барпо этилаётган “Tashkent City” кўркамлиги ва муҳташамлиги билан дунёнинг энг гўзал шаҳарлари билан бўйлаша олади.


**Умар АСРОРОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари**


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

олий таълим соҳасида **давлат-хусусий шерикликни** ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида **олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан** ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг **флагманига** айлантириш;

республикадаги камида **10** та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи **1 000** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи **500** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль тизимига** ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан **амалий кўникмаларни шакллантиришга** йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини **сифат жиҳатидан янги босқичга** кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган **юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини** йўлга қўйиш;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БИРЖА САВДОСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва маъмурий тартибга солишни қисқартириш, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни реализация қилишда бозор механизмларини ҳамда биржа савдоларида шаффофлик даражасини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун биржа фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича изчил чоралар қабул қилинмоқда.

Шу билан бирга, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларга нарх шакллантиришнинг бозор механизмларини яратиш ва биржа фаолиятини янада ривожлантириш учун фақат биржа савдолари орқали сотиладиган товарлар рўйхатини кенгайтириш, биржа савдоларининг динамикасини таъминловчи янги савдо инструментларини жорий қилиш лозим.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни сотиб олишда тенг шароитлар яратиш ҳамда республикада биржа савдосини фаоллаштириш мақсадида:

1. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ёки устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда – давлат улуши мавжуд ташкилотлар) томонидан ишлаб чиқариладиган **юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг бир қисми** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ўрнатиладиган **квоталар бўйича фақат биржа савдолари орқали экспорт қилинади**;

монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан **техник мой, омухта ем, хўжалик совуни, нефть эриткичи, нефть парафини ва мис купороси** ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган **шакар** ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади, республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида жойлашган истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида ўз савдо тармоқлари орқали сотиладиган, умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизидан ошмайдиган ҳажми бундан мустасно;

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2019 йил 11 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухоро вилоятида сайловни ўтказишга бевосита дахлдор ташкилотлар, сиёсий партиялар, шаҳар-туманлар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Бухоро ва Навоий вилоятларида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда халқаро кузатувчилар ва хорижий оммавий ахборот воситалари билан ишларни ташкил этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари, республика маслаҳат гуруҳи вакиллари, сиёсий партиялар раҳбарлари иштирок этди.**

**● Сурхондарё вилоятида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий бўлим (бўлинма)лар бошлиқлари, жиноят-қидирув бўлимлари тезкор вакиллари, тергов бўлинмаларининг терговчи ва суриштирувчилари, хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси таҳлил ва мувофиқлаштириш бўлинмалари ходимлари учун сайёр ўқув йиғини ўтказилди.**

**● Андижон давлат университетида “Бешта муҳим ташаббус – ёшларимизнинг эртанги куни истиқболидир” деб номланган Ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижроси доирасида “Президентимиз ташаббусига ташаббус билан жавоб берайлик” шиори остида ўтказилган фестивалда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.**

**● “Адолат” социал-демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши томонидан Коғон шаҳридаги “Темирйўлчилар” маданият ва истироҳат боғида “Адолат” СДП маҳаллий ташкилотлари ходимлари, депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш – давр талаби” шиори остида ташкил этилган митинг-тарғибот тадбири бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШда электрон сигарет чекишдан тўққизинчи ўлим ҳолати қайд этилди “Бугун ўпка касаллиги оқибатида Канзаснинг иккинчи фуқароси вафот этганини қайғу билан маълум қиламан”, – дейилади губернатор Лора Келлининг баёнотида. Аввалроқ АҚШ касалликлар профилактикаси ва назорати маркази электрон сигарет чекувчилар орасида ўпка ва нафас олиш йўллари касалликлари кўпайиб бораётганини маълум қилганди. Айтилишича, бутун мамлакат бўйлаб 500дан ортиқ ана шундай ҳолат ўрганилмоқда. Шунингдек, яна етти киши электрон сигарет чекиш билан боғлиқ симптомлар билан Канзасдаги касалхонага ётқизилган.**

**● Мехико пойтахти Мексикадаги кўнгилочар боғларининг бирида баландда ҳаракатланаётган аттракционнинг издан чиқиб кетиши натижасида икки киши ҳалок бўлди, яна икки нафар одам тан жароҳатлари олди. Ҳозирда боғ ёпилиб ҳодиса юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.**

**● Швециянинг Мальмё шаҳридаги кўчаларининг бирида машҳур швед футболчиси – чиройли голлар устаси Златан Ибрагимовичнинг ҳайкали қад ростлади. Унда ер шари устида футболчининг гол уриб қўлларини ёзган ҳолда хурсанд бўлаётганлиги тасвири ўз аксини топган.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

олий таълим муассасаларининг **академик мустақиллигини** таъминлаш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **“Университет 3.0”** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида **технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор** марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва **прогнозлаштирувчи** илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли **халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши**, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, республика илмий журналларини **халқаро илмий-техник маълумотлар базасига** босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи **“хаб”**га айлантириш;

олий таълимнинг **инвестициявий жозибадорлигини** ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни** амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан **ўзаро манфаатли ҳамкорлигини** йўлга қўйиш;

**аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари**, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

б) **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси” орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги **Республика олий таълим кенгашини** (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. **Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин**:

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида **сўровлар ўтказиш**, **жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш** ҳамда **илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш** орқали **олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш** юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг **таъсирчанлигига холисона баҳо бериш**;

таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан **таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш,** бу борада **оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш**;

олий таълим муассасалари фаолиятида **очиқлик**, **шаффофлик ва холисликни** таъминлаш, **коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этиш**га қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида **кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш** ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, қўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш**, **чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб** этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

олий таълим муассасалари фаолияти **самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш** бўйича хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта **Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади**;

Кенгаш томонидан тайёрланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан **мажбурий тартибда кўриб чиқилади**, улар Кенгашга вазифаларини амалга оширишда **ҳар томонлама кўмак берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар**;

Кенгаш фаолияти натижалари, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида республика олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан, мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019 йил 1 декабрь кунига қадар 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси” бажарилиши якунларини пухта ўрганиш асосида Концепцияни келгуси йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Йўл хариталари”нинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борсин.

7. Қуйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Қуйидагиларга:

<u>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимовга</u> – масъул вазирликлар ва идораларнинг Концепция ҳамда “Йўл хариталари”ни бажариш бўйича фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, “Йўл хариталари” бажарилишини мониторинг қилиш давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

<u>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига</u> – Концепция ва “Йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш;

<u>Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидовга</u> – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 8 октябрь*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 9 октябрь куни ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда халқаро ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.***

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)”ги қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, юртимизда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш экологик соҳадаги сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Боиси, табиий экотизимлар ва улардан фойдаланиш, яъни чорвачилик, суғориладиган деҳқончилик, ўрмончилик, балиқчилик, рекреация, туризм ва бошқаларга дахлдор иқтисодиёт тармоқлари биохилма-хиллик билан бевосита алоқадор.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда қўшилган Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг асосий мақсади эса, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, унинг компонентларидан барқарор фойдаланиш ҳамда тегишли технологиялар алмашиниш билан боғлиқ фойда олишдир. Мазкур Конвенциянинг биологик хавфсизлик бўйича Картахен протоколи замонавий биотехнология маҳсулотларининг давлат чегарасидан хавфсиз ҳаракатланиши, қайта ишланиши ва фойдаланилиши учун чоралар тартиби тўғрисидаги халқаро келишув ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар ушбу Протоколга БМТга аъзо 198 та давлатдан 171 таси ҳамда халқаро ташкилот сифатида Европа Иттифоқи қўшилган.

Депутатларнинг фикрича, Протоколнинг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, гени модификацияланган организмлар (ГМО) ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалаларини халқаро тартибга солиш учун муҳим қадам ҳисобланади. Айни пайтда атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига эҳтимолий хавфни минималлаштириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, парламент аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши замонавий биотехнология маҳсулотларидан фойдаланиш олиб келиши мумкин бўлган хавфни бартараф этишга, маҳаллий маҳсулотлар экспорт номенклатурасининг кенгайтирилишига кўмаклашишини қайд этдилар.

Шундан сўнг мажлис кун тартибига киритилган “Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларига нисбатан беморлар ва уларнинг қариндошлари томонидан тажовуз қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Айниқса, тез тиббий ёрдам ходимларига тажовузлар сони кўпайди. 2017-2018 йиллар давомида тиббиёт ходимларига нисбатан қилинган 300 дан ортиқ ана шундай тажовузлар қайд этилган бўлиб, қилинган ҳужумлар натижасида аксарият ҳолларда уларнинг соғлиғига ўрта ва оғир зарар етказилган. Амалдаги қонун ҳужжатларида фақат соғлиққа зарар етказган шахсни жавобгарликка тортиш бўйича умумий нормалар белгиланган, холос. Яъни тиббиёт ходимларига нисбатан ҳужум қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи, шунингдек, ўз хизмат вазифасини бажараётган тиббиёт ходимларини беморларнинг ва уларнинг яқин қариндошларининг тажовузидан ҳимоя қилувчи махсус нормалар мавжуд эмас. Шунинг учун аксарият ҳолларда қилинган қонунбузарлар жазосиз қолиб кетмоқда ва жиноят учун жазо муқаррарлигидан иборат тамойил ўз маъносини йўқотмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси ўз хизмат вазифасини олиб бораётган тиббиёт ходимларига тажовуз қилган шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик муқаррарлигини назарда тутади.

Депутатларнинг қайд этишича, инсонлар соғлигини ва ҳаётини сақлашдек оғир, ўта масъулиятли ишга бел боғлаб, ҳатто ярим тунлари ҳам ҳаловатидан кечиб, тиббий ёрдам кўрсатишга шайланган фидойи касб эгаларига нисбатан тажовузкорона муносабат, биринчи навбатда, бизнинг ҳуқуқий демократик давлатимиз принципларига мутлақо мос келмайди. Иккинчидан, бу одамларга яхшилик қилиш, уларга ёрдам беришга интилаётган инсонлар эъзозланган, улуғланган қадриятларимизни оёқости қилиш, одобсизликнинг яққол намунасидир. Шу боис, саломатлигимиз посбонларига нисбатан тобора кўпайиб бораётган бундай зўравонлик ҳолатларига бефарқ қараб бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб, парламент аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тиббиёт ходимларининг муҳофазасини кучайтиришга, улар томонидан аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши учун янги шароитлар яратилишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Депутатлар йиғилиш кун тартибидан ўрин олган “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг $211^1$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган ушбу лойиҳа истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз “занжири”ни шакллантиришни назарда тутади. Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида Солиқ кодексининг $211^1$-моддасига қўшилган қиймат солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга пастайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини пасайтиришга ҳамда рақобатбардошликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Мажлисда парламент қуйи палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БИРЖА САВДОСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан **иситиш ёқилғиси, ёқиш мазути, суюлтирилган газ ва нефть битуми** фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида барча тоифадаги харидорларга биржа савдоларида қатнашиш имконияти тенг таъминланган ҳолда реализация қилинади, махсус истеъмолчиларга ўрнатилган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно;

биржа савдоларига қўйилиши лозим бўлган, монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар орқали реализация қилинадиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулот сотувчилар томонидан мажбурий тартибда товар-хомашё биржаларида ҳисобга қўйилади ва ушбу маълумотлар тегишинча шартнома тузилган ва мажбуриятлар бажарилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда биржанинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади;

товар-хомашё биржаларида томонларнинг келишувига мувофиқ биржа савдолари қоидалари асосида чет эл валютасида импорт битимлари тузилиши мумкин. Бунда тузилган шартномалар бўйича маълумотлар товар-хомашё биржалари томонидан Валюта операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар **юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни товар-хомашё биржаларининг биржа савдоларида, шу жумладан, биржа товарларини 1 ойдан ортиқ муддатга кечиктириб етказиб бериш шарти билан олди-сотди битими (форвардлар) тузиш орқали реализация қилиш тартибини** назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадваллари монополист корхоналар ва давлат улуши мавжуд ташкилотлар томонидан товар-хомашё биржаларининг расмий веб-сайтларига, зарур ҳолларда, ҳар ойда янгиланган тарзда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларни биржа савдоларига ўрнатилган тартибда қўйиб борилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Биржада камида 100 та сотилган (бепул тақдим этилган) брокерлик ўринлари мавжудлиги ва биржа фаолиятини амалга оширишда товар-хомашё биржалари раҳбарлари малака талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги шартлар ва талаблар бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда **монополист корхоналар томонидан юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйиш бўйича қарорлар қабул қилиш;**

биржа савдолари қатнашчилари доирасини чегаралаб қўйишнинг олдини олиш учун биржа савдоларига қўйиладиган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг **битта лот бўйича максимал ҳажмини қайта кўриб чиқиш** юзасидан товар-хомашё биржаларига **кўрсатмалар** бериш ҳуқуқи тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ғуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 8 октябрь*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

- *Сергели туманининг Сергели 5а массивида 2 та ҳар бири 1680 ўринга мўлжалланган замонавий мактаб қурилмоқда.*
- *20 октябрь куни Бектемир туманидаги махсус майдонда автопойга ишқибозлари иштирокида жип триал бўйича навбатдаги мусобақа ўтказилади.*
- *Пойтахтимиздаги “Наврўз” боғида очиқ осмон остида Magic Tashkent номли мусиқий-кўнгилочар тадбир бўлиб ўтади.*
- *Германиянинг Олденбург университети, ТАТУ ҳамда унинг Самарқанд, Нукус ва Урганч филиаллари ҳамкорлигида ТАТУда “SMART CITY” мавзусида Ўзбекистон – Германия халқаро конференцияси ўтказилмоқда.*
- *Шаҳримизда 13-15 ноябрь кунлари TITF – 2019 25-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси – “Ипак йўлидаги туризм” бўлиб ўтади.*

Она тилим – олтин сандиғим

# ТИЛ – МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

**“Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 30 йиллиги кенг нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарорида** *“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият”* **экани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Дарҳақиқат, тил – миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси, улкан бойлиги сифатида ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади.**

Жаҳонда ўз она тилини улуғламаган, унинг шаъни, обрўси учун курашмаган халқни топиш мушкул. Тилда ҳар бир халқнинг асрлар давомида босиб ўтган йўли, тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ва санъати, маънавияти ўзининг яққол ифодасини топган бўлади. Шу боис уни кўнгил мулкининг бебаҳо гавҳари, дури каби сақлайдилар, ўрни келганда кўкрагини қалқон қилиб ҳимоялайдилар ҳам.

Тилнинг вазифалари адоқсиз ва у ўз зиммасига юклатилган барча вазифаларини бекаму кўст адо этишга қодир. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейинги 30 йиллик тарихимизни кўздан кечирадиган бўлсак, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

**Нуфуз ва таназзул**

XXI аср ўз кўлами ва шитоби билан инсоният тарихида ўзига хос чуқур из қолдирмоқда. “Глобаллашув асри”, “Юксак технологиялар замони”, “Техникавий инқилоблар даври” деб аталаётган дунёнинг бугунги манзарасида тил ва уни ўрганишга муносабат масаласи ҳамон ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, дунёнинг нариги чеккасидан бу чеккасига узатилаётган ошкора ва пинҳона, расмий ва норасмий маълумотларнинг барчаси муайян тил ёки махсус кодлар орқали амалга оширилмоқда. Шунинг учун жаҳон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маърифий ҳаётида улар томонидан қўлланилаётган миллий тилларга жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу эҳтиёж туфайли баъзи бир тилларнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бораётган бўлса, баъзи тиллар таназзулга юз тутмоқда.

**Гапираяпмизу, ўйламаяпмиз**

Илм-фан, техника ақлбовар қилмас даражада ривож топганига қарамасдан, дунё ҳамжамияти сайёрамизда нечта тил борлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмас. Баъзи маълумотларга кўра, дунё тилларининг сони 7000 дан ошади. Мазкур тиллардан 14 тасида инсониятнинг ярмидан кўпи гаплашади. Ушбу тилларнинг ҳар бирида сўзлашадиганлар сони эса 50 миллиондан зиёд. Дунёдаги 70 тилда гаплашадиганлар 5 миллиондан кўп бўлса, қолган тилларда мулоқот қиладиганлар 1 миллиондан кам.

Бу маълумотларни нима учун келтираяпмиз?! Биз ўзбек тилининг дунёдаги нуфузини ошириш устида тинимсиз гапираяпмиз-у, лекин буни қандай қилиб бажариш мумкинлиги устида сира ўйламаяпмиз. Биринчидан, инглиз, рус ҳамда бошқа тилларда ўзбеклар ва ўзбек тили бўйича келтирилган халқаро миқёсдаги маълумотларни жиддий қайта кўриб чиқиш, илмий асосланган, расмий тан олинган манбалар асосида ўзбек миллатининг дунёдаги ўрнини ва жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини холис кўрсатиб бериш зарур. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифанинг салмоқли қисми тилшуносларнинг зиммасига тушиши аниқ.

**2,7 миллион қаёқдаю, 10 миллион қаёқда...**

Фактларга мурожаат қилайлик:

https//ru/wikipedia.orgwikiuzbeki сайтида дунёда ўзбекларнинг сони 35 миллион, шундан Афғонистонда 2,3-2,7 миллион, Тожикистонда 1,3 миллион, Қирғизистонда 918 мингдан зиёд, Қозоғистонда 576 минг, Россияда 289 мингдан кўп, Туркманистонда 250 минг, Покистон, АҚШда 70-80 мингдан кўп ўзбеклар истиқомат қилиши айтилган. Нуфуз жиҳатидан дунё тиллари ўртасида 41-ўринда туриши таъкидланган.

Бу фактлар бир ёқлама, асосан, рус туркологлари ва мутахассисларининг маълумотларига таяниб берилган. Масалан, юқоридаги сайтда Афғонистонда 2,3-2,7 миллион атрофида ўзбеклар яшаши айтилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топгандан буён Афғонистондан 3 маротаба вакиллар келди ва Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида “Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази” ташкил этилди. Маълум бўлишича, Афғонистоннинг 9 вилоятида сал кам 10 миллиондан ортиқ ўзбек истиқомат қилар экан. 2,7 миллион қаёқдаю, 10 миллион қаёқда... Қўшни қардош давлатларда яшаётган ўзбекларнинг сони ҳам бошқача бўлиши аниқ. Ҳатто сайтда берилган ўзбекларнинг сони қўшиб чиқилса ҳам 37 миллиондан ортиқни ташкил қилмоқда.

**Бу шунчаки халқ эмас**

https//uz.m.wikipedia.orgwikiuzbeki сайтида дунёда ўзбекларнинг сони 50 миллиондан ортиқ экани кўрсатиб ўтилган ва нуфузи 32-ўрин деб белгиланган. Бу маълумотга қўшилса бўлади.

50 миллионли халқ – бу шунчаки халқ эмас. Бундай нуфусга эга бўлган халқ асрлар синовидан ўтган, тили, маданияти, санъати қиёмига етган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган халқ саналади. Бугун Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсат буни амалда кўрсатмоқда. Дунё Ўзбекистон ва ўзбеклар томон интилишни бошлади.

**Она тилимиз бошига соя солиб турган катта хавф бор**

ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган “Йўқолиш арафасида турган дунё тилларининг атласи”да таъкидланишича, Европадаги 50 та, Тинч океани ҳудудидаги 2000 та, Африка қитъасидаги 250 та тил ҳалокат арафасида турибди. Асримиз охирига бориб, инсоният ҳозирда мавжуд бўлган тилларнинг ярмини мангуга бой бериши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Тилларнинг йўқолиб кетишини глобаллашув жараёнлари ва урбанизация ҳодисасининг кучайиши билан боғлашмоқда. Улардан ҳам кўра ортиқроқ омил бу – илм-фан, техника ривожидир.

Биз ҳам ўз уйимизда қимирламасдан, хорижий ташрифлар ва маҳсулотларга маҳлиё бўлиб ўтираверсак, тез орада кўчаларимиз, дўконларимиз, дастурхонимизни “босиб кетган” *гамбургер, бургер, хот-дог, маркет*лардан қутила олмай қоламиз. Жадал суръатларда ўзбек тилининг машинавий тилини амалга киритиш ва дастурлаш она тилимизни бундай хавфдан қутқариб қолади.

**Янги йўналишларга янги авлод кадрлари керак**

Фақат тил соҳасини эмас, илм-фан, техника, таълим-тарбия, санъат ва маданият, тиббиёт, дипломатия, молия-кредит, машинасозлик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, мазкур соҳаларда фаол қўлланадиган сўз ва атамаларни тизимга солиш, улар устида илмий изланишлар олиб бориш зарур. Бунда фанлараро интеграцияга алоҳида аҳамият бериш даркор. Боиси жаҳондаги илғор халқлар ўз тиллари устида жиддий изланишлар олиб бориб, тилшуносликнинг янгидан-янги йўналишларига асос солди. Бугун тилшуносликда ареал лингвистика, математик лингвистика, географик лингвистика, этнолингвистика, социолингвистика, психолингвистика каби соҳалари билан биргаликда когнитив лингвистика, эколингвистика, биолингвистика, корпус лингвистикаси, гендер линвисткаси, интернет-лингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика, менталингвистика сингари замонавий йўналишлари пайдо бўлди ва жадал ривожланмоқда. Ушбу йўналишлар глобаллашув шароитида фанларнинг бир-бирига таъсири, интеграциялашуви натижасида юзага келган. Бизнинг олдимизда юқоридаги янги йўналишларнинг барчасида бемалол ишлай оладиган филологлар ва улар билан бирга ишлайдиган бошқа соҳа вакилларининг янги авлодини тайёрлаб беришдек улкан вазифа турибди.

**Жиддий ўйлаш фурсати келди**

Айтиш жоиз, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига монанд равишда биноларимизга мос номлар қўйилди. Улар “Давлат тили ҳақида”ги қонун талабларига тўла жавоб беради. “*Туркистон” саройи, “Азиз меҳмон” меҳмонхонаси, “Райҳон” оилавий ресторани, “Кенг макон” ишлаб чиқариш корхонаси, “Жайрон” экомаркази, “Забардаст” фермер хўжалиги, “Зебо” салони, “Фазо” ресторани, “Болажон” супермаркети* каби. Бундай номларни муҳташам биноларимиз чиройига ярашиб тушган.

Аммо “*Плаза”, “Браво”, “Golden chiken”, “Miss Sanam”, “Тополина интер стар”, “Идеал”, “Элегант”, “Z OIL”, “Эльдарадо”, “EVER MEN”, “Petrol”* сингари номлар устида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Дунё тилларида нейминг, брендология деган йўналишлар бор. Ҳар қандай ном ном қўйиш андозаларига, талабларига мос келиши ҳисобга олинади. Ном қўйишда миллийлик, ҳудудийлик, қисқалик, аниқлик, тушунарлилик тамойилларига амал қилинади. Юқоридаги номларнинг биронтасида бу жиҳатларга риоя этилмаган. Ном қўйишда хорижга тақлид, кўр-кўроналик кўриниб турибди. *“Индаба”, “Нек стар”,* “*Раййона Ишонч-сервис Х.К”, “Алёр текс”, “Раш милк”, “Динур-ленд”, “Чинкамол”, “Асклепий*” сингари номлар ўзбек халқи ва ўзбек тили учун ҳеч қандай маъно англатмайди. *ККБФМНКМ вилоят бошқармаси, “Хоразм Диёр, Макс сервис”, “Aloqa Print” МЧЖ, “Асака МАК МЧЖ”, “Алоқа “Самошертекс”, “Ўз-Донг Жу Пэинт Ко” МЧЖ, “Мерастекстиль”, “СулШерЖаҳон”* сингари номларнинг маъносини тушунтириб беришга тил ожиз...

**Эртага нима деймиз?!**

Бу каби номларга индамаслик она тилига беписандлик демакдир. *Бургер* ёнида *нонбургер, дружбабургер, Хадра нон-бургер* пайдо бўлди. Аста-секин тарқалиш майдони кенгайиб бормоқда. Билмаймизки, ном остида ғоя, мафкура ётганини. Жаҳон майдонида гегемонликни даъво қилаётган давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олиш умидида ядровий қуроллардан кўра, мафкуравий йўл билан бошқа халқларни бўйсундиришга иштиёқи ортган бир пайтда бу каби ҳолатларга индамасдан, мутелик билан, узоқни ўйламасдан туриб ёндашиш, шахсий қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда дўконига, фирмага, фермер хўжалигига, меҳмонхонага дуч келган номни қўйиб олиш тўғри эмас. Шундай қилсак, ўзбекчилигимиз қаерга кетади?! Эртага кейинги авлодга нима деймиз?! Бу тилимизнинг қашшоқлиги, камбағаллиги нишонаси эмас, балки мутасадди шахсларнинг эътиборсизлиги, тил саводсизлиги туфайлидир.

**Ким бизга эътироз билдирди? Ҳеч ким!**

Қаранг, қандай чиройли, бетакрор номларимиз бор: *Яшнобод, Тўққизариқ, Қўшариқ, Исломобод, Далварзинтепа, Сардоба, Варахша, Боғибаланд, Заркамар, Сангардак, Ўғузработ, Хосиён, Насаф, Чўпонота, Сақичмон, Бўрижар, Тахтапул, Учбулоқ, Қаландархона, Ойдинбулоқ, Мингчинор, Кужгон, Улуғнор, Сарбонтепа, Қатортерак, Ахсикент, Ғишткўприк, Янгиқўрғон, Мойбоғча, Мирпўстин* ва ҳоказо. Фақат жой номларининг республика заҳирасида 87 мингта шундай ном бор экан.

Турмуш тарзимизнинг ўзгариши, янгиликларнинг таъсири натижасида ички имкониятлар асосида “Тарона”, “Тасанно”, “Ниҳол”, “Ислом нури”, “Ҳидоят” каби бирликларнинг пайдо бўлиши бу – тилимизнинг жилоланиши, янгича талқинларда бўй кўрсатиши демакдир. Шу тарзда ўзбекча ёки хорижий бўлса ҳам тилимизга мос номни қўйсак, ким бизга эътироз билдирди? Ҳеч ким! Ном қўйишда келажак умиди билан ёндашиш ҳар биримизнинг она тилимиз олдидаги фарзандлик бурчимиз ва вазифамиздир. Буни асло унутмаслигимиз керак.

Ўрни келганда шу нарсани ҳам таъкидлаш жоиз: ҳар бир миллий тил бошқа тиллардан айрича яшамайди, инсонлар бир-бирлари билан муомала-муносабатларда бўлгани каби тиллар ҳам бир-бирлари билан доимий алоқада яшайди. Шу боис бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг ўтиб туриши қонуний ҳол саналади. *Пайнет, рейтинг, коллеж, лицей, шоу, дизайнер, лицензия, бизнес, кредит, терминал, тендер, сайт, компьютер, айфон, смартфон, ноутбук, флешка, вирус, антивирус, планшет, дисплей, кастинг, фирма, офис* каби сўзларнинг кундалик ҳаётимизда ишлатилишига ҳеч ким ажабланмай қўйди. Уларнинг ҳар бири ўз маъносига, ишлатилиш кўламига эга. Мисол учун, *карвинг – мева ва сабзавотлардан композиция ишлаш, лапароскопия – чандиқсиз жарроҳлик усули* демакдир.

Ўз навбатида, ўзбек кураши орқали дунёнинг кўплаб давлатлари тилига тарқаган *чала, дакки, ғирром, ҳалол* сингари ўзбек сўзларини бошқа халқлар ҳам тўғри қабул қилишди.

Ўзбек тили дунёдаги энг бой ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган буюк тиллардан биридир. Она тилимиз юртимиздаги қадим ва муқаддас, мўъжизавий булоқлардек тоза ва мусаффо, истеъмолга доим яроқли бўлиши шарт. Унинг ички имкониятлари чексиз ва мислсиздир. Ундан ўринли фойдаланиш, тилнинг софлиги, табиийлиги учун курашиш, оғзаки ва ёзма нутқда тил меъёрларига тўлиқ риоя қилиш, она тилининг булоқдек мусаффолигини, тароватини сақлаб қолиш барчамизнинг элу юрт олдидаги шарафли ва айни чоғда муқаддас бурчимиздир.

**Абдулхай СОБИРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**
**ЎзА**

Миннатдорлик

# СОҒЛИГИМИЗ – БОЙЛИГИМИЗ

***Аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятни янада юксалтириш, жамиятимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган.***

Бу борада пойтахтимиздаги килиник шифохоналар тизимида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. “Saif-Optima” кўз шифохонасида инсонга керак бўлган энг нодир аъзо кўзларимизни даволалашда тез ва сифатли хизмат турлари ташкил этилган. Инсон кексайгани сари нафақат қувватдан балки кўз нурларининг камайиб боришидан ҳам азият чекар экан.

Кўзим хиралашиб, кўришга қийналиб юрганимда “Saif-Optima” кўз шифохонасига мурожаат қилиб бордим. Мазкур шифохонада мени ҳурмат билан қарши олишди. Халқаро стандартларга амал қилган ҳолда энг сўнгги замонавий тиббий техник жиҳозлари билан таъминланган клиникада кўзларимга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиб, жарроҳлик амалиётини амалга оширишди.

Малакали кўз хирурги Назокат Муҳамедова кўзимни текшириб, керакли муолажаларни қилиб мени даволади. Кўзларимга яна нур қайтди, хиралик ва яхши кўра олмасликдан халос бўлдим.

Ўз ишининг ҳақиқий жонкуяри, ширин тил, меҳрибон шифокор Назокат Муҳамедовага ва шу тиббиёт масканида фаолият олиб бораётган барча тиббиёт ходимларига чин кўнгилдан миннатдорлик билдирмоқчиман. Чунки улар туфайли ёруғ оламни янада чароғонроқ кўрадиган бўлдим.

Агар газетангиз саҳифаларида “Saif-Optima” кўз шифохонаси шифокорларига ва барча ходимларига миннатдорлигимизни етказангиз бағоят хурсанд бўлар эдим.

**Ҳурмат билан,**
**79 ёшли Исмоил ота АБДУЛЛАЕВ,**
**Қибрай тумани, “Ифтихор” маҳалласи, Алишер Навоий кўчаси, 71-уй.**

“Сайлов – 2019”

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛОВ КОДЕКСИ САЙЛОВЛАРДА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲУҚУҚИЙ АСОСДИР

***Конституциямизга мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бу жараён асосан сайловларда намоён бўлади.***

Сайловлар орқали фуқаролар ўзи муносиб билган шахсни ҳокимият органига сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради ҳамда давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш, уни янада демократлаштириш, халқаро андоза ва принципларга мослаштириш, фуқароларга қулайлик ва эркинлик яратиш бўйича муҳим ишлар олиб борилмоқда. 2018 йил 28 декабрда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Келгуси йили мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайлов ўтказилади. Юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик ишларини бошлашимиз зарур” деб таъкидлган эди.

Бугун мамлакатимизда сайловларни умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга мос равишда ўтказишга имкон берадиган қонунчилик базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикасининг янги Сайлов кодекси кучга кирди.

Эндиликда сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилиши, Президент, Қонунчилик палатаси депутатларига номзодлар сиёсий партиялар томонидан тақдим этилиши, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли тузилмалари томонидан билдирилиши ҳақидаги принципиал қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори мамлакатимизда бўладиган сайлов тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишни таъминлаш, шунингдек, сайлов жараёнларини бошқаришда ахборот тизимини жорий қилиш каби мақсадларда қабул қилингани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур қарор мамлакатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш, сайловларнинг очиқ, ошкора ва транспарентлигини таъминлашга зарур шароит яратади. Сайлов жараёнига фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирокини кенгайтириш борасида дастуруламал бўлишига ҳам ишончимиз комил.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидаги ғояларни амалга ошириш ҳамда мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш йўлидаги кейинги қадам сифатида мамлакат сиёсий майдонида янги – Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этилди. Экологик партиянинг тузилиши Ўзбекистон тарихида алоҳида саҳифа бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган Стратегиянинг яққол ҳосиласидир. Шунингдек, Ўзбекистонда Экологик партия тузилиши мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузини оширди.

Албатта, сайлов қонунчилигига мувофиқ Экоҳаракатга берилган квотадан воз кечилиши Экологик партия учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Шу пайтга қадар квоталаш институти имкониятларимизни маълум даражада чегаралаб қўйганди. Яъни, маҳаллий Кенгашларда депутатларимиз йўқ бўлгани боис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок эта олмасдик. Бу вертикал тизимда ишлаш, маҳаллий экологик муаммоларни ўз вакилларимиз орқали жойларда ҳал этиш имконини бермас эди. Шунингдек, Экоҳаракатда бошқа сиёсий партиялар сингари барқарор молиялаштириш манбаи йўқ эди.

Шу маънода, Ўзбекистон Экологик партиясининг ташкил этилиши ва унинг сайловларда иштирок этиши юқорида кўрсатилган муаммоларга ечим топишга хизмат қилади.

“Биз келажак учун жавобгармиз” ғояси остида ҳозирги ва келгуси авлоднинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, экологик барқарорликка эришиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, унинг барча куч-салоҳиятни бирлаштириш Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий вазифасидир.

Албатта, партиялар катта имтиҳон олдида турибди. Бу борада янги ташкил этилган ва сайловларда илк марта иштирок этаётган Ўзбекистон Экологик партияси масъулиятни икки бора ҳис этмоқда. Боз устига, Ўзбекистон Экологик партияси биринчи марта сайловларда иштирок этиш ва электорат билан ишлаш тажрибасини ўзлаштирмоқда.

Сайлов кунига ҳам қисқа муддат қолди. Юртимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ўтказиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Партиямиз оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, интернет ва ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланишга, таъсирчан босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини нашр қилиш ва тарқатишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Партиянинг янги www.ecouz.uz сайти ишга туширилиб, унга электрон аъзо бўлиш тизими яратилди. Ижтимоий тармоқларда саҳифалар очилди.

ОАВда чиқишлар бўйича медиа-режа ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда, мазкур йўналишда интернет сайтлар ва блогерлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия мақсадларини тарғиб этишга қаратилган баннерлар, буклетлар, плакатлар, бошқа кўргазмали тарғибот ва тарқатма материаллар тайёрланди.

Бу каби тадбирлар партиямизнинг сайловда муносиб иштирокини таъминлашга хизмат қилишига ишонамиз.

**Эркин ОМОНОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Ахборот хизмати раҳбари**

*Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2020 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 07/19/4227/2782-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 3163-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун Шайхонтоҳур туманида 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шайхонтоҳур туманидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2020 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 1952,5 иш ўрнини ташкил этадиган 7,5 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,3 фоиз (862 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 62 та бўлганлиги сабабли, келгусида 800 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 1,9 фоиз (494,5 та);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0,95 фоиз (247,5 та);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,34 фоиз (89 та);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,59 фоиз (153,5 та);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,26 фоиз (68 та);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,15 фоиз (38 та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган.

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. 2-иловада қайд этилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2020 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, заҳирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2020 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ш.Қодиров):

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот, корхона ва муассасаларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳаққининг 2 баробари миқдорида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ҳақ тўланишини таъминласин;

мазкур қарорни беш кун муддатда заҳира ўрин яратаётган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказсин ва туман ҳокимининг қарори бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

8. Туман ҳокимлиги Матбуот котиби (С.Муртазакулов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ювмитов зиммасига юклансин.

**Шайхонтоҳур тумани ҳокими**
**А.Тухтаев**

*2019 йил 27 сентябрь*

# МАЪНАВИЙ ВА ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

***Олмазор туманидаги 119-умумтаълим мактабида “Ўзбек миллий либослари” мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.***

Олмазор тумани Хотин-қизлар қўмитаси, туман “Маҳалла” кенгаши, туман Маънавият, маданият ва халқ таълими бўлимлари томонидан ташкил этилган тадбир тадбиркор қўли гул ва ҳунарманд аёллар, миллий каштачилик билан шуғулланиб келаётган хотин-қизлар томонидан яратилган ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар, сумкалар, тақинчоқлар, кулолчилик намуналари кўргазмаси билан бошланди.

— Ўзбек миллий либоси деганда кўз олдимизда атлас, адрас, беқасам каби ранг-баранг, нафис ва гўзал матолардан тикилган либослар келади, — дейди Олмазор тумани Хотин-қизлар қўмитаси котибият мудири Дилноза Умурзакова. — Тарихан шаклланиб келган ва санъат даражасига кўтарилган тикувчилик санъати ҳақиқий оммабоплик ва машҳурлик касб этади. Глобаллашув шароитида турли воситалар орқали амалга оширилаётган хуружлар бевосита кўпгина давлатларнинг қадриятларимизга ўз таъсирини ўтказмоқда, шунингдек, замонавий ва ғарбона кийимларнинг мода тариқасида жамиятга кириб келиши, миллий мато ва либосларнинг аста-секин оммабоплигини йўқотишга сабаб бўлмоқда. Шу боис ташкил этилган мазкур кўргазма миллатимизнинг миллий матоларидан замонавий услубдаги либослари орқали ёшларнинг дунёқарашини, урф-одатлар, анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топишига ҳисса қўшади, деган умиддамиз. Тадбир тумандаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, жаҳолатга қарши маърифат билан шиори остида ўзбек миллий либосларимизни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди. Бу каби тадбир куни кеча Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди.

Тадбирда тумандаги маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари, хотин-қизлар, ўқувчилар, ёш ўғил-қизлар иштирок этди. Иштирокчилар эътиборига миллий либосларимиз – бизнинг ғуруримиз, дея номланган слайд намойиш этилди.

Кийиниш маданияти – инсоннинг ташқи кўриниши, маънавий дунёси, эстетикаси, ахлоқий сифатлари ва салоҳиятини очиб беради. Инсоннинг гўзаллик, нафосат, одоб борасидаги кўз қарашларини ифода этадиган омил ҳамдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки бугунги жадал ривожланиб бораётган глобал даврда кийимлар ҳам, кийинишга бўлган эътибор ва талаб ҳам ўзгариб бормоқда.



Тадбирда турфа рангларга бой, миллий матолардан тайёрланган замонавий мода шакллари билан уйғунлаштирилган либослар иштирокчиларга намойиш қилинди. Кўргазмада нафақат ёш ёки ўрта ёшдаги хотин-қизлар, балки кекса ёшдаги онахонларнинг либослари кенг оммага тақдим этилди. Бир сўз билан айтганда томошабинлар миллий либосларнинг эстетик қамрови қанчалик кенглигига гувоҳ бўлишди.

Кўргазмада намойишга қўйилган миллий либослар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ана шундай қўли гул ҳунармандлардан бири Гулбаҳор опа Абдуматовадир.

— “Гузарбоши” маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди Гулбаҳор Абдуматова. — Тадбиркорлик билан шуғулланиб, 3 нафар кишини иш билан таъминладим. Тикув машинасини кредитга олиб, миллий матолардан либослар тикиб келмоқдамиз. Шу йилнинг май ойида фаолиятимизни бошлаган бўлсак, буюртма асосида адраслардан либослар тикмоқдамиз. Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан буюртма асосида либосларимизни етказиб бермоқдамиз. Келгусида иш ўринларини яратиш, республика ва қўшни республикаларга либосларимизни етказиб беришни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, либосларимизнинг турини янада кенгайтириш ниятидамиз. Бугунги кунда ёшларимизнинг миллатимизга хос бўлмаган кийимларга ҳавасманд бўлишлари дилни бироз хира қилади. Ташкил этилган кўргазмани кузатиб, жуда қувондим. Кўргазмани миллий матолардан замонавий либослар моҳирона яратилгани, қўли гул ҳунармандларимизнинг асрий анъаналарими асраб-авайлаб, ёш авлодга турли жилоларда етказилаётганинг намойиши десам муболаға бўлмайди.

Тадбир давомида Анзират она сиймосидаги аёллар кўриниши, болажонлар, мутахассислар, дилбар қизларнинг миллий либосдаги кўргазмалари барчага манзур бўлди. “Чаманбоғ” маҳалласидан “Кўзмунчоқ” болалар рақс дастаси ўзларининг маҳоратларини намоён этишди. Тадбирда жажжи қизиқлоқлардан бири, миллий кийимдаги ўзи ёд олган шеърни айтган қизалоқни суҳбатга чорладик.

— Мен 11-мактабнинг 3-синфида ўқийман, — дейди Гулруҳбегим Турғуналиева. — Мазкур тадбирда севимли шоирим Муҳаммад Юсуфнинг “Улуғимсан Ватаним” шеърини айтиб бердим. Бувижоним тикиб берган атлас кўйлакка дугоналарим ҳавас қилишди. Ўзим ҳам тикувчиликка қизиқаман. Миллий матолардан замонавий услубда либослар тикишни ўрганмоқчиман.

Тадбирда куй-қўшиқлар жаранг сочди, дилбар рақслар ижро этилди. Ёшларга ибрат бўладиган саҳна кўриниши намойиш қилинди.

Ўйлаймизки бу каби тадбирлар ёшларнинг миллий урф-одатлар, миллий либосларга бўлган ҳурматини янада оширади. Бутун оламни лол қолдираётган миллий либосларимиз бор экан маънавиятимизга путур етмайди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**




*2019 йилнинг 9 октябрь куни*
*Тошкент шаҳар*
*ҳокимининг маслаҳатчиси*
**Крысин**
**Анатолий Федорович**
вафот этди.

Анатолий Федорович узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. 6-қурилиш трестида ишлади, КОИНКО “Корпорейшн” қўшма корхонасининг қурилиш бўйича директори, Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, “Тошкент консалтинг” тендерларни ўтказиш марказининг директори, Тошкент шаҳар “Компрессор заводи” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари сифатида фаолият юритди. 2002 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси вазифасида ишлади. Ўз билими ва тажрибаси билан жамоада ҳурмат қозонди, ёш мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳисса қўшди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Анатолий Федоровичнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.**


## Реклама ва эълонлар


“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 19-мавзе, 18-уй, 35-хонадон учун Хайдаров Элбек Абдигофурович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2003 йилда Юсупова Азиза Мирфайзуллаевна номига берилган КХТ № 64747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Эрматов Азизжон Эркин ўғли номига берилган К № 2248467 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2006 йилда Купсов Дмитрий Николаевич номига В № 238002 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2019 йилда Атабаев Акбаршох Эркин ўғли номига берилган К № 5761328 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“КОРАЙ ТЕКСТИЛ” ХИИ АЖ (СТИР 203763586)га тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 24.08.2018 йил № 631032 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “MARTIAL ARTS ACADEMY” (ИНН 305713002) масъулияти чекланган жамияти таъсисчининг 10.10.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар икки ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 5/1 манзилида қабул қилинади. Телефон: +99897 712-06-03.

Мирзо Улуғбек политехника касб-ҳунар коллежининг фаолияти 2019 йил 1 сентябрдан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва аризалар Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй манзилида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: +99871 266-37-66.

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги “YANGI FORMULA” масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 10 812 561 471,49 сўмдан 9 254 514 922,33 сўмга камайтирилаётганини маълум қилади. (СТИР 302700392). Даъволар (+99897) 710-96-96 телефон рақами орқали қабул қилинади.

**“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 22-24 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

## Талабаликка бағишлов

# САҲНАДА ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

***“Туркистон” саройида Тошкент тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган “Биз Ибн Сино издошларимиз” шиори остида талабаликка бағишланган маънавий-маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди.***



Ҳар йили анъанавий равишда ўтказлиб келинаётган мазкур тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, талабалар ва уларнинг яқинлари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида “Туркистон” саройи фойесида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурган 5 та муҳим ташаббуснинг ижроси доирасида ташкил қилинган кўргазма намойиш этилди.

Унда биринчи курс талабалари томонидан чизилган расмлар, талабаларнинг спорт мусобақаларида эришган ютуқлари, Давлат стипендиатлари, иқтидорли ёшлар ва улар эришган муваффақиятлар билан танишув, талаба қизлар томонидан тайёрланган тикувчилик кўргазмалари ҳамда китоб савдоси ва китоб кўргазмалари намойишлари ўтказилди.

Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Туйчиев тадбирни кириш сўзи билан очиб берар экан, Тиббиёт академияси остонасига қадам қўйган биринчи босқич талабаларини нуфузли даргоҳга ўқишга қабул қилинганликлари билан табриклаш баробарида, уларни келажакда билимдон, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишида тинмай ўқиши, изланиши, ўз устида мутассил ишлаши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ташриф буюрган мутасадди раҳбарлар ҳам сўзга чиқиб ёшларни талабаликка қабул қилингани билан қутлаб, келажакдаги ўқишларига муваффақият тиладилар.

Шундан сўнг илм-фани тамаддунига муносиб ҳисса қўшган олимлар Афлотундан Академия тимсолини, Гиппократдан қасамёд сўзлари битилган рамзий битикни, Абу Райҳон Берунийдан Хоразм Маъмун академиясининг рамзий белгисини, Абу Али ибн Синодан “Тиб қонунлари” китобини, ар-Розийдан “Касаллик тарихи” бўйича баённомаси рамзий тимсолларини Академия ректори ва иқтидорли талабаларига тақдим этиш каби саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларининг олқишларига сазовор бўлди. Академиянинг биринчи курсига қабул қилинган 800 нафардан ортиқ талабалар қасамёд қабул қилди.

Жумладан улар она Ватан тақдири билан ўз тақдирини чамбарчас боғлашга, бутун фаолиятини юртимизнинг буюк келажагига бахшида этишга, диёримиз тараққиёти ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга, буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар тўплаган ноёб ва нодир маънавият сарчашмаларини асраб-авайлашга, замонавий даволаш ва диагностика усулларини мукаммал ўзлаштириб малакали кадр бўлишга, шифокор этикаси ва деонтологияси тамойилларига амал қилиб, беморларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ҳеч қачон ошкор қилмасликка, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини унутмаслик, уни тўла адо этиш каби пурмаъно ғояларни ўзида мужассам этган сўзлар билан қасамёд этдилар.

Тадбир сўнгида янграган куй-қўшиқлар, дилбар рақслар йиғилганларга бирдай манзур бўлди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА,**
**М.ХАСАНОВА**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# ЁШЛАР – ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

***Глиэр номли Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ёшлик талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлиги, Олмазор туман прокуратураси, ИИО ФМБ 9-сонли Ички ишлар бўлими томонидан “Ёшликнинг ёшлари – жиноятчиликка қарши” мавзуида тадбир ташкил этилди.***

Тадбирда “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Тошкент шаҳар 9-сонли Ички ишлар бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси етакчилар Кенгаши Глиэр номидаги РИМАЛ мутасадди ходимлари ҳамда ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Давра суҳбатидан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уларни ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган ёшлар онгига Ватан муқаддас деган туйғуни сингдириш ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар 9-сонли Ички ишлар бўлими ходими, капитани С.Авазжонов “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида олиб борилаётган тизимли ишлар ҳақида гапирар экан, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатларига тўхталиб ўтди.

— Талабалар шаҳарчаси ёшларининг бугунги ва эртанги кунини ҳис этиб яшаш, уларни турли иллатлардан асраб-авайлаш ҳамда ўзлари қизиққан соҳаларга йўналтириш, тўгаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши бош мутахассиси О.Ёркинов. — Ўсиб келаётган авлодни 5 та муҳим ташаббус лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадбирларга жалб қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

**Зилола МАҲАМАДЖОНОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 4-курс талабаси**

## Реклама ва эълонлар


“ABSOLYUT AVTO LYUKS” МЧЖ МАЗ-5423 русумли давлат рақами 10Q422GA бўлган автотранспорт воситасига берилган АТ серияли № 2389571 рақамли ва ППК-9993 русумли давлат рақами 10 3409 АА бўлган тиркамали транспорт воситасига берилган АТ серияли № 2389570 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 76-уй, 17-хонадон учун Джаборова Мухиба Джаборовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Учтепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Учтепа тумани, 31-мавзеси, 52-уй, 36-хонадон учун Иноятов Отабек Сайиджонович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Сергели тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 26.08.2019 йилда № 755287 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “YOSH VATANPARVAR LOCHIN” НТМ (СТИР 306665949) таъсисчининг 23.09.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Сергели тумани, Йўлдош-16 мавзеси, 285-мактаб манзилида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, “Шуҳрат” орденининг учала даражаси соҳиби **Александр Иванович ВЕЛИЧКОнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1046
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1386 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ